



ЎЗБЕКИСТОНДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ (AI) НИНГ АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СОҲАЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШДАГИ САЛБИЙ ВА ИЖОБИЙ ТАЪСИРЛАРИ

Кабулова Дилноза

(DipIFR, CAP, Аудитор, бизнес тренер).

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда сунъий интеллект (ai) нинг аудиторлик фаолияти ва бухгалтерия ҳисоби соҳаларида фойдаланишдаги салбий ва ижобий таъсирлари ёритилди.

КИРИШ

Ҳаммамизга маълум-ки, Ўзбекистоннинг барча соҳаларида инфор­мацион технология воситалари жадал кириб келиши ва кенг қўлланилиши натижасида иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. Бир неча йиллик кузатувлар ва таҳлиллار натижасида мамлакатимизда фаолият юритаётган барча корхона ва муассасаларнинг асосий қисми бўлган бухгалтерия ҳисоби тизими­га ҳам сезиларли таъсир ўтказиб келмоқда ва натижада ҳозирги кунда сезиларли ижобий ўзгаришлар ва шу билан бирга бир қатор ўз ечимини топмаган муаммолар ҳам аниқланмоқда ва бу каби масалалар албатта илмий жиҳатдан ёндашган ҳолда таҳлил қилинганда қуйидаги сабабларни таҳлил қилиш ва камчиликларни имкон қадар тез фурсатда бартараф қилиш мақсадга мувофиқдир. Сабаби, иқтисодиётимизнинг барча соҳалари жадал тарзда ривожланиб, бизнесга кенг йўл очилган даврда турли хил соҳаларда кўплаб корхоналар очилиб ўз фаолиятларини олиб бормоқда. Шу билан бирга яна алоҳида эътибор қаратишимиз керак бўлган вазият, охи­р­ги йилларда чет эл инвесторлар ҳам кириб келиши ва катта чет эл сар­мояларини киритиши



натижасида тадбиркорлик субъектлар халқаро миқёсга чиқиб бориши натижасида халқаро тажрибага эга бўлган ҳолда иқтисодиётимизни ривожланишига бухгалтерия ҳисоби мутахассислари ва аудиторлар ҳам ўз илмий салоҳиятимиз билан ва шу билан бирга мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган муаммо ва тўсиқларни бартараф қилишга хизмат қилиш ҳозирги шароитда жуда ҳам муҳим деб ўйлайман.

Информацион технологиялар ва сунъий интеллектнинг корхона ва ташкилотларда қўлланилишининг бухгалтерия ҳисоби ходимлари учун кўп ижобий томонларини кўриш мумкин ва булар қуйидагилардир:

- Иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларда маълумотлар тизимлаштирилиши. Бунинг натижасида, корхонанинг фаолияти натижалари бўйича зарур бўлган маълумотларни олиш имконияти осонлашади ва тезлашади;
- Корхона фаолияти жараёнида амалга оширилаётган хўжалик муомалалари ўз вақтида ҳисоб тизимида амалга оширилиши ва ўз вақтида руйхатга олиб борилиши натижасида маълумотлар базаси шаклланиб боради. Бу эса ўз навбатида маълумотлардан фойдаланувчиларга зарур ва фойдали ва ишончли бўлган маълумотларни олиш ва тегишли қарорлар қабул қилишда фойдаланиш имкониятини яратади;
- Информацион технологиялар кенг қўлланиладиган корхоналарда бухгалтерия ходимлари томонидан молиявий ва солиқ ҳисоботларни тайёрлаш ва ўз вақтида тегишли тартибда фойдаланувчиларга тақдим этиш имконияти осонлашади ва тезлашади, яъни вақт сарфи сезиларли даражада қисқаришига олиб келади.
- Маълумотлар базаси яратилишига ва йиллар давомида бу маълумотларни йўқолмасдан узок давр мобайнида йиғиш ва сақлаш имконияти юзага келади;



- Маълумотлар базасининг яратилиши ўз навбатида бухгалтерия ҳисоби ходимлари ва раҳбариятга, қолаверса иқтисодий маълумотлардан фойдаланувчилар бўлган инвестор ва кредиторларга ҳам корхонани молиявий ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш учун ишончли маълумотлар олиш манбаи бўлиб хизмат қилади. Чунки маълумотлар қанчалик тизимлаштирилган ҳолда сақланса ва йиғиб борилса, бухгалтерия ходимлари томонидан фойдаланувчиларга, яъни инвестор ва аудиторларга талаб қилинган сифатли ва ишончли маълумотларни тайёрлаш ва тақдим этиш жараёни осонлашади;
- Корхона фаолиятини таҳлил қилиш учун ва ўрганиш учун ҳам информацион тизим қўлланилганда молиявий ахборотларни керакли шаклда олиш осонлашади, чунки информацион тизимлар орқали турлиқ шаклларда маълумотларни топиш ва олиш мумкин, ва шу билан бирга талаб қилинган даврлар учун маълумотлар базасидан бу каби маълумотларни олиш тезлашади.
- Информацион технологиялар корхоналарда бюрократик тизимни қисқаришига ҳам ижобий таъсир қилмоқда, яъни маълумотлар фойдаланувчилар ўртасида маълумот олиш ва алмашиш жараёни сезиларли даражада осонлаштирилди, яъни вақт сарфи, моддий сарф-харажатларни камайишига ҳам таъсир қилмоқда.
- Корхоналарда информацион тизимларнинг қўлланилиши натижасида мамлакатимизда кўплаб замонавий усул ва технологияларни қўллаш ва рағбатлантириш мақсадида давлатимизда кўплаб ўзгаришлар амалга оширилмоқда, яъни чет эл инвестициялари кириб келиши учун имтиёзлар берилиши, солиқлар соддалаштирилиши ва камайтилиши, шу билан бирга тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратилиши.
- Мамлакатимизда қанчалик тадбиркорлар ва чет эл инвесторлар кўпайган сари мамлакатимизда малакали бухгалтерлар ва аудиторларга талаб шунчалик ошиб боради, сабаби иқтисодиётнинг барча тармоқларида ҳисобни



юритишда бухгалтерларни ўрни жуда муҳим ва жиддий бўлиб ҳисобланади, сабаби барча ҳисоб маълумотларни рўйхатга олиш ва қайта ишлаш ва керакли даврда фойдаланувчиларга тақдим этиш бухгалтерия ходимлари зиммасида туради ва шу сабабли бухгалтерия ҳисоби корхона ва ташкилотларда ҳар доим талаб юқори бўлган бўлим бўлиб ҳисобланади.

Бироқ, ҳозирги даврда корхона ва ташкилотларда информацион технологиялар кенг қўлланилиши натижасида бухгалтерия ҳисобида ҳам бир қатор муаммолар юзага келмоқда ва мазкур муаммоларнинг ҳам сабабларини ўрганиб уларни бартараф қилиш талаб этилмоқда. Ҳозирга қадар информацион технологиялар қўлланилиши натижасида аниқланган баъзи бир муаммолар сифатида қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин:

1) Информацион технологияларда кўплаб дастурларнинг ишлаб чиқилганлиги ва амалиётга тез кириб келиб қўлланилаётганлиги, мамлакатимиздаги фаолият юритаётган бухгалтерлар чуқур ўрганишга имконияти ва бўш вақти етишмаслиги;

2) Информацион технологиялар қўлланилиши ўз навбатида сунъий интеллект воситаларини маълумотлар базаси билан ишлашда ва маълумотларни олиш ва қайта ишлашда кенг қўллашни тақозо қилмоқда, аммо бухгалтерлар хали тўлиқ ҳаммаси ҳам тайёр эмас бу катта кўламдаги мураккаб дастурлар билан ишлашга, шу сабабли кўп корхоналарда бухгалтерия ҳисоби тизимида эски тизимда ишлайдиган жойлар ҳам кўп;

3) Информацион технологияларни тўлиқ қўллай оладиган ва уларнинг моҳиятини тулиқ тушунадиган бухгалтер ходимларнинг етишмовчилиги;

4) Сунъий интеллект ва замонавий дастурларни ишлатиш корхона ва ташкилотларга Ўзбекистон шароитида кичик ва ўрта бизнес субъектларига қиммат бўлгани учун кўп кичик ва ўрта бизнес эгалари ортиқча сарф



ҳаражатларни қилишга имконияти йўқлиги, бухгалтерларни бор шароитга кўниб ишлашга мажбур бўлишлиги;

5) Кўп хусусий корхоналар бухгалтерларининг малакасини ошириш ва ўқитишга алоҳида маблағ ажратмаслиги натижасида бухгалтерлар замонавий инфор­мацион дастурларни ва тизимларни ўрганишга инти­лмаслиги ва ривожланмаслиги, бухгалтерларни қотиб қолишга ёки бир йўналишда қолиб кетишига ҳам сабаб бўлмоқда;

6) Мамлакатимизда бухгалтерлар ва аудиторлар ўз иш фаолиятида сунъий интеллект ва дастурларни ўрганиш ва қўллаш учун давлатимиз ва корхона раҳбарлари томонидан моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимининг етарли даражада мавжуд эмаслиги ҳам муҳим эътибор бериш керак бўлган жиҳатлардан деб ҳисоблайман.

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган ҳолатларни инобатга олган ҳолда бухгалтерлар ва аудиторлар томонидан замонавий инфор­мацион технологияларни қўллаш ва сунъий интеллект воситаларидан фойдаланиш орқали бухгалтерия ҳисоби маълумотларни олиш ва қайта ишлаш, улар асосида тегишли иқтисодий қарорларни қабул қилишда ишончли маълумотларни фойдаланувчиларга тақдим этиш тизимини йўлга қўйиш ва улардан иш фаолиятимизда унумли фойдаланиш замонавий иқтисодиёт ва молия тизими талабидир. Шу сабабли мамлакатимиздаги бухгалтерлар ва аудиторларни халқаро тажрибаларни ўрганиб, иш жараёнида қўллаш натижасида хатолик ва нотўғри маълумотларни олиш таваккалчилигини камай­тиришга олиб келади ва шу билан бирга иш ҳажми ва вақтни сезиларли қисқартиришга олиб келиши мумкин. Акс ҳолда, кичик ва ўрта бизнес вакиллари юритаётган корхона ва ташкилотларда бухгалтерия тизими ривожланмай қолиш эҳтимоли юқори бўлиб қолади, бу эса иқтисодий ҳамкорларни ҳам камайишига сабаб бўлиши мумкин. Бухгалтерларга маълумотлар олиш базаси қанчалик ишончли ва



тўлик бўлса, талаб қилинган маълумотларни олиб тайёрлаб бериш шунчалик осон ва тез амалга оширилади.

Адабиётлар

1. Karimova, S. (2023). Sun'iy intellekt va uning yuridik sohadagi o'rni. Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 3(11), 59–65.извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/EJLFAS/article/view/23498>.
2. Nurjanov Furqatbek Reyimberganovich Suniy intellekt usullari yordamida tasvirdan shaxsning yuz tasviri joylashgan sohasini topish algoritmlari // AlFarg'oniy avlodlari. 2024. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/suniyintellekt-usullari-yordamida-tasvirdan-shaxsning-yuz-tasviri-joylashgan-sohasinitopish-algoritmlari>.
3. Matniyazov R.R.,Baxriddinova Sh.Sun'iy intellekt – to'rtinchi sanoat inqilobining asosi.//“Raqamli iqtisodiyot sharoitida sun'iy intellektni qo'llashning nazariy asoslari” mavzusidagi respublika miqyosida ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari to'plami. – T.: “Iqtisod-Moliya”, 2023.,45-bet.
- 4.Ishanxodjayeva D.I., Hakimov F Mamlakatimizda suniiy intellect texnologiyalarining rivojlanish istiqbollari// “Raqamli iqtisodiyot sharoitida sun'iy intellektni qo'llashning nazariy asoslari” mavzusidagi respublika miqyosida ilmiyamaliy konferentsiya materiallari to'plami. – T.: “Iqtisod-Moliya”, 2023.,382-bet.